O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 24 февраль ЧОРШАНБА
№ 15 (12.235)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

## САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

**XXI аср ҳаёт суръатларининг шиддатли ва мураккаб кечаётгани, ахборотнинг ақл бовар қилмас даражада тез алмашинаётгани, кескин фикр алмашувлар юз бераётгани билан ҳам эътиборлидир.**

Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида инсониятнинг бугунги куни юксак технологиялар асри ёки ялпи ахборотлашув замонидан кўра, глобаллашув даври деган таърифга кўпроқ мос тушишини таъкидлайди: "Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир".

Бугун глобаллашув ҳосиласи бўлган "оммавий маданият" тушунчаси бутун дунёда маънавий хавф-хатарга айланди. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши хусусида турли қарашлар мавжуд. "Оммавий маданият" маҳсулотлари асосан санъат намунасидан кўра, товар хусусиятига эгалиги, кенг миқёсдаги аудиторияни эгаллаганлиги, ахлоқий ва маънавий таназзулга етаклаши билан характерланади. Ўқувчи (томошабин, тингловчи) вақтини ўғирлайдиган бундай асарлар инсоний муносабатларга жўн баҳо бериши, ахлоқий меъёрларни емириши, кўнгилочар комиксларда тараллабедод саргузаштлар, шаҳвоний ҳирсни қўзғайдиган кадрларга кенг ўрин ажратилиши, онг остидаги яширин бошқа шаҳвоний истакларни қўзғаши, миллий ва ирқий айирмачиликка ундаши сингари бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Одатда ахлоқсизликни ахлоқ деб тарғиб этадиган "оммавий маданият" унсурлари бугун юртдошларимиз тасаввурига ҳам сезиларли маънавий хавф солмоқда.

Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилгач, одамларимиз онгида пайдо бўлган ғоявий бўшлиқ ўрнини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" эгаллаши мумкинлигидан хавотирланиб, таъкидлайди: "Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".

(Давоми 4-бетда).



## «ТОНГ» ЧЕВАРЛАРИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

**«Тонг» масъулияти чекланган жамияти тикувчилик корхонасининг буюртмачилари сафи кенгайиб бормоқда. Бу – бежиз эмас.**

Корхонада меҳнат қилаётган тажрибали чеварлар мижозлар буюртмасига қараб кўйлак, халат, пахтали куртка, мактабгача таълим муассасаларига чойшаб ва ҳарбийлар учун кийим-бошлар тикиб беришмоқда.

– 2004 йил масъулияти чекланган жамият сифатида иш бошлаган эдик, – дейди корхона раҳбари Олим Тўраев. – Ҳамюртларимиз эгнида корхонамизда тикилган либосларни кўриш завқли. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз меҳнати маҳсулидан мамнун. Ҳозир корхонамизда 30 киши ишлаяпти, шундан 10 нафари касаначилик асосида. Бу йил Япония ва Хитойдан 20 миллион сўмлик янги дастгоҳлар олиб келиб, корхонани кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. Бу аввало янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва 15 та янги иш ўринлари очиш имконини беради.

**СУРАТДА:** (чапдан) тикувчилар Гўзал Бегматова, Эътибор Муҳаммедова, Нилуфар Йўлдошева.
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ТАЪСИРЧАНЛИК ВА ЮҚОРИ СИФАТ – ДАВР ТАЛАБИ

**Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бундай масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.**

Пойтахтимизда бўлиб ўтган фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифаларига бағишланган республика конференциясида шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Конференция Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг вакиллари, "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимларида ташкил этилган "Келажак пресс" матбуот марказларининг аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М. Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А. Хўжаев, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў. Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидладилар.

Конференцияда юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнини, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга холис ва тезкор тарзда етказишда оммавий ахборот воситалари ходимларидан ўз касбига масъулият билан ёндашув, пухта билим ва маҳорат талаб этилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу эса миллий матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, журналистларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини янада такомиллаштириш, нодавлат босма оммавий ахборот воситаларини малакали журналист кадрлар билан таъминлаш каби масалалар билан узвий боғлиқдир.

Конференцияда давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштиришда ҳамда мамлакатни модернизация қилишда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг вазифалари, медиамаконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, сиёсий партиялар матбуот органлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Республика конференцияси доирасида газета, журнал, интернет-агентликлар ва нашрлар ўртасида ўтказиладиган "Эътироф" ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Энг яхши болалар нашри", "Энг яхши ижтимоий-сиёсий газета", "Босма нашрнинг энг яхши дизайни учун", "Энг яхши тармоқ нашри", "Йилнинг энг фаол нашри" ва "Босма нашрнинг энг яхши веб-сайти учун" номинациялари бўйича танлов ғолиблари аниқланди ва улар қимматли совғалар билан тақдирландилар. **(Унда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти «Йилнинг энг фаол нашри» номинацияси бўйича диплом ва соврин соҳиби бўлди).** Шунингдек, "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази ҳудудий бўлимлари қошида "Келажак пресс" матбуот марказларини ташкил этиш" лойиҳасининг энг фаол иштирокчилари – Андижон, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари бўлимларига компьютерлар совға қилинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ИҚТИДОРЛИЛАР ОРАМИЗДА

**Шу кунларда "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2010" кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтаяпти. Бу йилги танловларда вилоят касб-ҳунар коллежлари ва академик-лицейлар ўқувчиларидан 120 киши иштирок этмоқда.**

Янгийўл тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтган ҳудудий босқичда Янгийўл шаҳри ва тумани ҳамда Чиноз тумани касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар вакиллари беллашдилар. Янгийўл шаҳар технология касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Мавлуда Насриддинова биринчи ўринни, Абдулазиз Мирзабоев иккинчи ўринни эгаллашди. Энди улар танловнинг вилоят босқичида куч синашадилар.

**Зуҳра ҲАЙДАРОВА,**
**Янгийўл шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.**

**Ўзбекистон давлат солиқ қўмитасида "Солиқ тизимини модернизациялаш" мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## СОЛИҚ ТИЗИМИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Тадбирни қўмита раиси Ботир Парпиев очиб, мамлакатимизда ўтган йиллар давомида солиқ тизимини тубдан янгилаш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш ва солиқ сиёсатидаги ўзгаришларни кенг оммага тарғиб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани хусусида гапирди.

– Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берди, – деди Б. Парпиев. – Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида 2010 йилда фойда солиғининг базавий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди.

Аҳоли даромадларига солиқ юкини енгиллаштириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида олинадиган даромад солиғи ставкаси камайтирилиб, солиқ солишнинг биринчи шкаласи бўйича 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси 7 фоиз миқдорида белгиланди.

Тадбирда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ва келгусидаги режалар, соҳани янада модернизациялаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

САЛОМАТ БЎЛИНГ

## УМИДСИЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг охирги ҳисоботига кўра, дунёда саратон касаллигига чалинган беморлар 10 миллион кишига яқинлашиб қолган. Яна 10 йилдан кейин бу сон икки баробар кўпайиш хавфи бор. Ҳозир барча мамлакатларда энг хавфли хасталиклар рўйхатининг аввалги ўринларида турган саратонни вақтида аниқлаш ва самарали даволашга эътиборни кучайтириш ҳақида бонг урилаётир. Ўзбекистон Республикаси ҳам шу йилнинг 1 февралида ушбу хасталикка қарши кураш бўйича Париж хартиясига қўшилди. Бу эндиликда мамлакатимизда хавфли ўсма касалликларини даволаш тизими янада кучайиши, соҳага янги технологиялар жорий этилиши, бу хасталикка қарши курашиш янги сифат даражасига кўтарилишини англатади.**

Вилоят ўсма касалликлари диспансерида ҳам касалликни вақтида аниқлаш ва самарали даволаш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда. Биз бу масалада диспансернинг кимётерапияси бўлими мудири, олий тоифали шифокор Ғайрат Эгамбердиев билан суҳбатлашдик.

**– Ғайрат Маҳкамбоевич, шифохонада саратон касалини тез аниқлаш ва янги усуллар билан даволашнинг бугунги аҳволи қандай?**

– Аввало, шуни айтиш керакки, диспансеримиз шифокору мутахассисларининг бой тажриба ва етарли билимга эгалиги, даволаш яхши ташкил этилганини мутасадди ташкилотлар, ҳатто, чет эл олимлари ҳам эътироф этмоқда. Масалан, Франциянинг Саратон касаллиги бўйича миллий институти президенти, профессор Дэвид Хаят икки-уч кун олдин диспансеримиздаги даволаш жараёнлари билан танишиб, шифокор ва беморлар билан суҳбатлашди, уларга айрим маслаҳатлар берди. Жаноб Хаят бизда бу хасталикни жаҳон тиббиёти талаблари даражасида даволаш учун етарли шароит яратилганидан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

**– Айни кунларда мутахассислар саратонни даволашга янги технология ва усулларни татбиқ этиш зарурлиги ҳақида кўп фикр билдиришмоқда. Янги, инновацион усуллар нималарда ифодаланади?**

– Албатта, тиббиёт ривожлангани сари, янги усуллар топилиб, даволаш ҳам самарали тус олиб боради. Саратонни даволашдаги илғор технологияларга келсак, бунда асосан кимётерапиясидаги сўнгги дори воситалари ва уларни қўллашнинг янгича тизимланишини тушунмоқ лозим. Диспансеримизда бу борада ютуқлар оз эмас. Чунончи, 2009 йилда саратонни даволаш, ўсма ривожланишини тўхтатишда самараси юқори бўлган дори-дармонлар ёрдамида янги яримкимёвий терапия тизимлари қўлланилди.

(Давоми 2-бетда).

2010 йил учун ОБУНА давом этмоқда
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг индекси – 205.



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

## ЙИГИТЛАР ЮРТ ХИЗМАТИГА ШАЙ

**Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда бошқарма ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.**

– Ҳарбий хизматда яхши натижалар кўрсатиб, олий ўқув юртига кириш учун имтиёзга эга бўлмоқчиман. Хизматдан қайтганимдан сўнг Тошкент ҳарбий-техника билим юртига ҳужжат топшириш ниятидаман, – дейди хизматга чақирилувчи Темур Алиев.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари чақирилувчиларни Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этишди.

Маросим сўнгида бўлажак аскарлар учун дастурхон ёзилди. Уларга маҳаллий ҳокимликлар ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** йигитларни кузатиш пайтидан лавҳалар.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

# САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ахлоқий бузуқлик – бу маънавиятдаги мувозанатнинг бузилиши, онгдаги ахлоқий қувват ўрнини шаҳвоний ҳирс, тафаккурни эса манқуртлик эгаллаши демакдир. Ахлоқий бузуқликнинг авж олишини муқаддас динимиз қоидалари ҳам, миллий урф-одатларимиз ҳам инкор этади. Таассуфки, бугун, "сариқ матбуот" нашрларида ҳикоя, қисса, ҳаттоки роман жанри остида пешма-пеш чоп қилинаётган савиясиз "асар"лар, интернет сайтлари, дисклар ҳамда мобиль телефонларнинг ҳожатбарор Bluetooth ва ИК-портлари орқали қўлма-қўл тарқалаётган "томошабоп" кадрлар халқимиз, айниқса ёшларимиз тарбияси учун жуда хатарлидир. Бундай маънавий хавф-хатар эса бугун пайдо бўлгани йўқ.

Ўтган асрнинг 90-йилларида халқимиз ҳаётига оммавий тарзда кириб келган видео бу жараённинг бошланиши эди. Ўша пайтлар ҳатто чекка қишлоқларда ҳам кимлардир уйини "видеохона"га айлантириб, томошабинларга асосан ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик кадрлари акс этган хорижий фильмларни намойиш қилишни тирикчилик воситасига айлантирганди. Асосан зино, ўғрилик, жиноятчининг ҳуқуқ-тартибот ходимларига қандай чап бериши сингари одамларни муқаддас қадриятларимиз ва тўғри ҳаёт кечиришга қарши қўядиган сюжетлардан иборат бундай хорижий фильмларни инкор қилишга ўшанда аксарият томошабиннинг маънавий қуввати етмади.

Бугун глобаллашув, хусусан "оммавий маданият" ҳосиласи бўлган бир жинсли кимсаларнинг (одам дейишга тил бормайди) никоҳдан ўтаётгани, бирга яшаётгани ҳаммасидан ҳам катта фожиадир. Аянчлиси, Америка ва Европадаги айрим мамлакатларда бу фожиали ҳолатга қонунан рухсат берилаётганини бугун инсоният ҳам даҳшат, ҳам лоқайдлик, ҳам кулги билан кузатмоқда. Биргина ўтган йили ўз жинсдоши билан никоҳдан ўтишни истаётганлар ва бунга қонунан рухсат берилган ҳудудлар сони кўпайгани ҳақидаги маълумотларни ўқиб, одам тавба деб ёқасини ушлайди. Энг ачинарлиси, шундай қабоҳатнинг авж олишини демократия белгиси, деб тарғиб қилаётганлар хорижда кам эмас.

"Оммавий маданият" зангга ўхшайди. Муҳофаза қилинмаса, ҳатто метин иродани, мустаҳкам эътиқодни ҳам емиради. Ахлоқий бузуқлик билан миллатни ичдан бузиш, муқаддас қадриятларимизни йўқотиш, уларнинг ўрнига манқуртликни, дидсизликни, имонсизликни жорий қилиш замирида, аслида шунчаки эрмак, ўйин-кулгу ва кўнгил очиш билан боғлиқ "маданият" эмас, каттароқ, ёвузроқ мақсадлар, миллатни миллий ўзагидан айириб, оломонга айлантириш орқали экспансия қилиш яширинганини ҳамма ҳам, айниқса, ёшлар англаб етавермайди.

Бугун фарзандларимиз тасаввурида Алпомишу Гўрўғлидан кўра аллақандай Анпанман, Шрэк, Покемон сингари ғайритабиий махлуқлар, ўқ ўтмас роботлар, охири йўқ душманни қиришга киришган автоматлар, на мақсади, на тутуруғи бўлган Гарри Поттерлар кўпроқ илдиз отаётгани аянчлидир. Қўлма-қўл ўқилаётган "кўнгилочар" газеталардаги шаҳвоний майлни қўзғашга мўлжаллаб ёзилаётган "асар"лар сийқа, бир хил шаблондан иборат: яъни, ўқишга кирмоқчи бўлиб шаҳарга келган қиз қийналади, ишга кирмоқчи бўлади, бир кимсани учратади, у ёрдам бераман деб қизни алдайди, зўрлайди, нотавон қиз йиғлайди, ўзини ўлдирмоқчи бўлади, кейин эса ёмон йўлларга кириб кетади...

Яқинда бир ўқитувчи нолиб қолди: "Эй, ука, бутун бир қишлоқнинг боласига таълим бердим-у, ўзимнинг биттагина ўғлимга тўғри тарбия беролмадим. Эркин ўссин деб, доим унинг кўнглига қарадим. Биз отамиздан ҳайиқар эдик, ўғлим бўлса мени олдимда ҳам қарта ўйнайди, пиво ичади. Индамадим. Нимагаки қизиқсам, ота-бувам "катта бўлсанг, биласан", дерди. Мен эса демократик тарбия деб, унга ҳамма гапни айтавердим-айтавердим. Топганим – отасининг фикрини бир тийинга олмайдиган бола, йўқ, бола эмас, бало бўлди..."

Бундай аянчли мисолларни, афсуски, кўплаб келтириш мумкин.

Умумбашарий маънавият ҳамиша миллий маънавият негизида шаклланиб келган. Ўзбек маънавиятининг эса ўз тарозиси бор. Ўзбек халқи ҳамиша уятни ўлимдан қаттиқ, орномусни тириклик асоси деб билган ва ўз қадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйган. Миллий қадриятларимиз негизида инкордан кўра сайқалланиш, шубҳадан кўра ишонч кўпроқ улуғланади.

Глобаллашув – оломонлашув дегани эмас. Бу Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ҳам алоҳида таъкидланган. Тобора кучайиб бораётган ғоявий хавф-хатарларни мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия, бир сўз билан айтганда, маърифат билан енгиш мумкинлиги кўрсатиб берилган: "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади".

Дарҳақиқат, ҳар бир дарахтнинг ўқилдизи бўлганидек, ҳар бир миллатнинг ҳам умумбашарий маънавиятдан озиқланадиган ва ўз навбатида умуминсоний маънавиятни бойитадиган миллий қадриятлари бор. Миллийлик – бу қиёфа, қиёфасизлик эса муқаррар ҳалокатдир. Ўз шажарасини билмаган, ўзини ҳурмат қилмаган, ўзининг олдида жавобгарлик туймаган одам на ота-онасига, на оиласига ва на халқига бирор наф келтиради.

Доимо ор-номусли, имонли, мағрур яшашни ҳаёт тамойилига айлантирган ўзбекона қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши – миллий қиёфамизни асраб қолишнинг ягона нажот йўли. Бошқача айтганда, саодатга элтувчи йўл – ўзбек феноменида асрлар оша яшаб келаётган тўғри тарбиядир.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




**Зангиота туманидаги агросервис касб-ҳунар коллежида шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 527 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча ўтказилди.**

## БУЮК СИЙМОГА ЭҲТИРОМ

Ўқувчиларнинг маънавий оламини юксалтириш, Бобур шахси, ҳаёти ва ижодига оид билимларини янада бойитиш мақсадида уюштирилган учрашувда таниқли адабиётшунос олимлар, санъаткорлар иштирок этишди.

**Сурайё АҲМЕДОВА.**

ДАРВОҚЕ

## «МАЛАДЕС...»

Кейинги пайтларда ёшларнинг кийинишларига кўп эътирозлар билдирилаяпти. "Ота-онаси ўзбек, қизи эса чет элликка ўхшайди. Очиқ-сочиқ кийинишидан тарбиясизлиги кўриниб турибди", каби танбеҳларни кўп эшитамиз. Кийинишни-ку, қўя турайлик, ёшларнинг она тилларига бефарқ муносабатини қандай баҳолаш мумкин? Ўзбекча-русча сўзларни ўрни бўлса-бўлмаса аралаштириб гапириш уларни маданиятли қилиб кўрсатади гўё. Ачинарлиси шундаки, катталар, ҳатто, таълим-тарбия муассасалари ходимлари ҳам бундан мустасно эмас...

Синфга кириб келган муаллим ўқувчилар билан саломлашгач, сўради:

– Так, бугун дарсга ким келмади?

Ўқувчилардан бири, Анварнинг бетоблигини айтди.

– Майли, бугунги мавзуни бошлашдан олдин, уй вазифасини сўрайман. Хўш, ким жавоб беради?

– Мен айтай, устоз.

Ўқувчи ўрнидан туриб, жўшиб жавоб берди.

– Маладес, – деди ўқитувчи. – Сенга беш баҳо.

Ўқитувчи дарс давомида берилган саволларни "Конечно" сўзи билан бир неча марта тасдиқлади.

Бу бачки мулоқотларга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, кўча-кўйда кўришган икки дугонанинг "Привет, қалайсан?" – деб сўрашишлари ҳар қандай одамнинг ғашига тегади. Мактаб ёшидаги болалар нутқида "короче", "чёткий" сўзларини тез-тез учратиш мумкин.

Баъзи санъаткорларимиз ўзбек тилида ажабтовур қўшиқлар айтишади-ю, сўзлашишга келганда, ўзбекча гапира олмасликларини ҳеч тортинмай, очиқ айтишади. Балки рус тилида таҳсил олишгандир ёки ота-оналари уйда ҳам рус тилида сўзлашишар. Лекин ўзбек фарзанди бўла туриб, соф она тилида гапирмаслик ёки уни яхши билмаслик уят эмасми?

Фарзандлари мактаб ёшига етган ота-оналарни "Ўзбек мактабига берсамми ё рус мактабигами" деган муаммо қийнайди.

Қайсидир маънода буни оқлаш мумкиндир. Аммо, болани илк сабоқни ўзбек тилида олишдан маҳрум этиш тўғримикин? Бола дастлабки таълимни она тилида олса, миллат қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини, тарихини, аждодлари кимлар эканини ёшликдан қалбига сингдиради ва шуурида Ватанга садоқат каби инсоний фазилатлар куртак ёзади.

Атоқли шоир ва адиб Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романида "Ибтидоий тарбияни миллий мактабларда бериш керак. Илгари миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини танигандан кейин бошқа мактабга бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқисин", дейилади.

Япон халқи ўз тилини ўрганаётганларни жуда ҳурмат қилар экан. Биз-чи? Биз кўпроқ ўзга тилларни ўрганаётганларга ҳавас билан қараймиз. Алишер Навоий даврида ҳам туркий шоирларнинг кўпчилиги форс тилида ижод қилишган. Бунинг сабаби форс тилида ёзиш одат, анъанага айланганлиги, тилнинг сайқалланганлиги эди. Туркий тилни (эски ўзбек адабий тилини) ривожлантириш, уни шеърият дунёсига тан олдириш қанчалик қийин ва машаққатли эканлигини буюк бобомиз яхши тушунарди. Шунингдек, бадиий қиймат жиҳатидан тенг адабиёт яратиш зарурлигини чуқур ҳис этарди. Унинг туркийлар ҳам ўз тилларида ўқишлари ва ижод қилишларини чин дилдан истаганини "Ҳайрат-ул-аброр" достонида форс эли ўз она тилларида ёзилган асарларни ўқишдан хурсандлигини, туркийлар ҳам шундай бойликдан баҳраманд бўлишга лойиқ эканлигини таъкидлаганидан билиш мумкин. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, Навоий туркий тилнинг ифода қудратини исботлай олди.

Тил мавзусида фикр юритишимиздан мақсад она тилимизга ҳурмат сақлаган ҳолда, Навоий бобомиздек, унинг қудрати ва имкониятларини тўла намоён этиш ҳамда янада бойитишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоғимиз лозимлигини яна бир бор эслатиб қўйишдир.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ



# ИТ – ВАФОДОР ЖОНЗОТ, АММО...

**Қутуриш – ўткир кечадиган юқумли касаллик. У марказий нерв тизимининг оғир шикастланиши билан тавсифланади. Бетоблик жараёнида фалажлик кузатилиб, охири ўлим билан тугайди. Қутуриш касаллигига асосан одамлар, барча сут эмизувчи ва иссиқ қонли ҳайвонлар чалинади. Табиатда ит ва итсимонлар оиласига кирувчи бўри, тулки, чиябўрилар қутуриш вирусини асосий тарқатувчилари ҳисобланади. Лекин сигир, от, қўй, эчки, чўчқа, мушук ва кемирувчилар ҳам бу касалликни юқтиришлари мумкин. Хасталик қутурган ҳайвон қопганда, тишлаганда, шунингдек, унинг сўлаги янги ярага, терининг тирналган, кесилган ерларига ёки кўз, бурун шиллиқ пардаларига тушганда, қутурган ҳайвоннинг териси шилинаётганда, ҳатто, сўлак теккан жисмларга суйкалганда ҳам юқиши кузатилган.**

Вирус дастлаб нерв толалари ва улар атрофидаги суюқлик оқими бўйлаб бош ва орқа мияга етиб боради. У ерда кўпаяди ва мия ҳужайраларига зарар етказади. Яширин даврнинг узун-қисқалиги, яранинг қаерда бўлишига ва оғир енгиллигига боғлиқ. Тишланган жой марказий нерв тизимига қанчалик яқин бўлса, яширин давр шунчалик қисқа ва бемор учун хавфли бўлади.

Касалликнинг бошланғич даврида ҳайвон тишлаган жой ачишади, тортишиб, лўқиллаб оғрийди. Бемор ўзини тушкунликка тушгандек ҳис қилади, кўнгли ғашланиб, уйқусизлик бошланади, иштаҳаси йўқолади, нафас олиш ва юрак уриши бузилади. Тана ҳарорати кўтарилади ва касалликнинг иккинчи – қўзғалиш даври бошланади. Бемор жуда безовта бўлади. У ташналикдан азоб чекади, кўзлари чақчайиб кетади, сувдан қўрқадиган бўлиб қолади. Нафас олиши қийинлашади. Бу даврда беморда жуда кўп сўлак ажралиши кузатилади. Шундан сўнг фалажланиш бошланиб, бора-бора ётиб қолади.

Бемор одатда юрак ва нафас мускулларининг фалажланишидан ҳалок бўлади. Бу давр бир неча соат давом этади холос. Кўпинча касаллик 3-5 кун орасида ўлим билан тугайди.

Таъкидлаш жоизки, қутуриш касаллигига қарши курашиш фақат тиббиёт ходимларининг иши эмас. Фуқаролар уйда боқилаётган итларни тартибли сақлашлари керак. Уларни кўчаларга бебошбоқ қўйиб юбориш қатъиян ман этилади. Сайр қилдириш учун кўчага оғзига махсус бурунбоғ тақиб, калта чилвирда олиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Касалликни асосан дайди итлар тарқатади. Шунинг учун ҳукумат қарорлари асосида бу итларни тутиш, кўпайиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Бу билан коммунал-хўжалик ва ветеринария идораларида ташкил этилган махсус гуруҳ ходимлари шуғулланадилар. Саёқ итларни тутишда уларга жамоатчилик ёрдам кўрсатиши керак.

Уйда боқиладиган итлар албатта рўйхатга олиниши, улар вақти-вақти билан ветеринар кўригидан ўтказиб турилиши ва қутуриш касаллигига қарши эмланиши зарур. Агар ит хонадон аъзоларини ёки қўшниларни тишлаб олса, уларни дарҳол ветеринария врачларига кўрсатиш тавсия этилади. Бундай ҳолда улар ўн кун мобайнида ветеринар назорати остида бўладилар.

Вилоятимизда ҳар йили 6 мингдан ортиқ киши ҳайвонлар, асосан итларнинг тишлашидан жабр кўрмоқда. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қутуришга қарши зарур тадбирлар учун катта маблағлар сарфланмоқда.

Унутманг: қутуриш – жуда хавфли касаллик, ундан эҳтиёт бўлинг!

**Р. БАҲРОМОВ,**
**вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врач-эпидемиологи.**

РАССОМ ХАНДАСИ







Хусан СОДИҚОВ чизган расмлар.


Чилонзор туманидаги 1-бизнес мактаб томонидан 1998 йилда Ниязова Дилнозахон Рахимовна номига берилган тартиб рақами № 3689, АС № 091473 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Общество с ограниченной ответственностью "TISSA INVEST" (ИНН 205602111), расположенное по адресу: Хамзинский район, ул. Ахунбабаева и Азимова, зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района от 12.04.2005 года реестровым № 000605-07,

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации № 1 от 22.02.2010 г.)

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по телефону: 449-01-59.

Утерянный гос. ордер и план на квартиру по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Генарал Узакова, дом 1-А, кв. 48, выданные на имя Закировой Эльмиры Икрамовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный патент (Гувохнома) за реестровым № 0104054 от 29.03.2007 г., выданный на имя частного предпринимателя Камалходжаева Бахрома Бахтияровича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"ELERON ELIT SERVIS" МЧЖ (ИНН 205215370) устав фондини 240.861.758 сўмдан 183.368.729 сўмгача камайтирганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 299-39-96 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ЧП "ELIT-TRANS SERVIS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского района г. Ташкента, расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. 2-проезд Хамзы, дом 3, кв. 1 (ИНН 300503228, ОКОНХ 51512),

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации от 22.02.2010 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 289-65-05.

ООО "AMADI BINO" (ИНН 300897592), зарегистрированный в Мирабадском хокимияте сообщает об уменьшении уставного фонда в связи с выходом одного из учредителей уставной фонд с 4.838.883.573 сум до 4.680.483.573 сумов.

Тошкент Давлат молия институти томонидан 2007 йилда Холбеков Мансуржон Худойқулович номига берилган В № 317066 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Банк коллежи томонидан 2001 йилда Холбеков Мансуржон Худойқулович номига берилган № 446792 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "DIANA BIZNES", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента, реестр. № 003861-04 от 10.06.2008 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, массив Ялангач, д. 67, кв. 15 (ИНН 300861069) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** согласно решению учредителя № 2 от 20.09.2009 г.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: (+99897) 334-46-72.

Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан Оҳангарон туманидаги "Оқ тулпор" МЧЖга берилган амал қилиш муддати тугамаган 0004526, 0006697, 0006946, 0007131, 0007140, 0007141, 0005817 рақамли лицензия карточкалари берилган автоуловлар жамиятда фаолият юритмаётганликлари сабабли ушбу лицензия карточкалари

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное свидетельство частного предпринимателя (гувохнома) № 01-02006 (реестр № 0103542) от 13.11.2006г., выданное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента на имя Салимовой Гулноры Айсаевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"PROTEUS MEDIA" масъулияти чекланган жамиятининг (ИНН 300477807, ОКОНХ 82100) номи "NEW STAR MEDIA" МЧЖга ўзгартирилди ва жамиятнинг устав фонди 7 200 000 (етти миллион икки юз минг) сўмдан 2 400 000 (икки миллион тўрт юз минг сўмгача камайтирилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миртемир кўчаси, 63-уй.

Ҳамза тумани ҳокимининг 11.07.2002 йилдаги 859-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган "DONO SAVDO" хусусий фирмаси ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгараётганини маълум қилади. Эътирозлар 332-79-36 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО "MURODLI HAMKOR SAVDO" (ИНН 300763221) Чиланзарского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 200 294 300 сумов до 140 206 010 сумов. Тел.: 302-53-88.

"BOMBAY BUSINESS PLUS" хусусий корхонасининг (ИНН 300461749, ОКОНХ 71280) мақоми "BOMBAY BUSINESS PLUS" МЧЖга ўзгартирилди. "BOMBAY BUSINESS PLUS" хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси "BOMBAY BUSINESS PLUS" МЧЖ ҳисобланади.

Мурожаат учун манзил: Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 4-уй.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси Ангрен шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Ангрен шаҳридаги 34-сон мактабгача таълим муассасасига тегишли бўлган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "FAPAY BIZNES TELEKOM" (ОКПО 22615015, ОКОНХ 84200, ИНН 301042421)

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Ибн-Сино, дом 12, кв. 92.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**

Навбатчи **Нигора БОБОҚУЛОВА**

Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 13000. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 2 3 4 5